

**Бюджет ташкилотларидан каттиқ ва суюқ маиший чиқиндилар (Қ.М.Ч) ва  
(С.М.Ч)ни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш  
ШАРТНОМАСИ № 35-К**

Навоий шаҳри

"17" 01 2022 йил

Бундан буён матнда "Бажарувчи" деб аталувчи номидан, Устав асосида иш юритувчи Навоий шаҳар "Бережливость" МЧЖ раҳбари А.Бердиев бир томондан ва бундан буён матнда "Буюртмачи" деб номланувчи Висола Иброҳим номидан раҳбар Х.Э. Раҳманов иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидаги мақсадларда туздилар.

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1.1. Мазкур шартномага биноан "Буюртмачи" каттиқ маиший чиқинди (ҚМЧ)ларни бир ерга тўплайди, "Бажарувчи" эсатўпланган чиқиндиларни чиқинди тўплаш жойи ва (ёки) чиқинди йиғиш қутиларидан "Буюртмачи" томонидан берилган талабномаларга асосан олиб чиқиб кетишни ўз зиммасига олади. "Буюртмачи" хизмат тўловларини ўз вақтида тўлаб бориши шарт.

1.2. Қ.М.Ч ларнинг умумий ҳажми бир ойга 0,7 м<sup>3</sup>, 3 ойга/йилга 2,100 м<sup>3</sup> ташкил этади.

1.3. Суюқ маиший чиқиндиларнинг ҳажми бир ойга - м<sup>3</sup>, - ойга/йилга - м<sup>3</sup> ташкил этади.

**2. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

2.1. Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги нарх хар бир м<sup>3</sup> каттиқ ва суюқ маиший чиқиндилар учун 65090 сўм, ҚҚС билан (олтмиш беш минг туксон) сўм.

2.2. Шартнома бўйича 3 ойга/йилга кўзда тутилган тўлов суммаси 136689 (Бир юз ёттиз олти миң олти юз саксон қўнғи) сўмни ташкил этади.

2.4. "Буюртмачи" мазкур шартнома бўйича ҳисоб китобларни пул кучириш йули билан амалга оширади ва ҳар ой учун туловларни олдиндан 100% тулаш билан "Бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига тўлаб беради.

2.5. Каттиқ маиший чиқиндиларнинг умумий ҳажми ошганда, "Буюртмачи" томонидан шу ошган ҳажм учун қўшимча тўловни тўлаб бериши шарт.

**3. "БУЮРТМАЧИ"НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. ҚМЧ ташланадиган қутиларни қурилиш ёки йирик ҳажмдаги чиқиндилар, шох-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чиқиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида бир маротабалик шартнома тузиш.

3.2. Чиқинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш қурилмаларига махсус автомашиналарнинг эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз ҳолда сақланишини таъминлаш.

3.3. ҚМЧни ўз вақтида ташиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда (98)278-78-83 телефонига телефонограмма йўллаш орқали "Бажарувчи"га маълумот бериш.

3.4. Бажарилган ишнинг ҳажмини "Бажарувчи"нинг ҳужжатларида "Буюртмачи" вакилининг имзоси ва қорхона муҳри билан тасдиқлаб бориш.

3.5. Ҳар ойнинг бошида ўтган ҳисобот ойида бажарилган иш ҳажмини кўрсатувчи ҳисоб далолатномаси расмийлаштириш.

**4. "БАЖАРУВЧИ"НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Алоҳида шартнома ва тўловлар асосида "Бажарувчи" "Буюртмачи"га чиқинди йиғиш қутиларини керак бўлган миқдорда сотиш.

4.2. "Буюртмачи" ҳудудидан ҚМЧ тўплаш жойи ва (ёки) чиқинди йиғиш қутиларидан махсус автомашиналарда жадвал ёки буюртма асосида чиқиндиларни олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.

4.3. "Буюртмачи"нинг буюртмасига асосан қўшимча тўлов ҳисобига қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндиларни, шох-шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш.

4.4. "Буюртмачи" томонидан ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг, 3 кун муддат ичида "Буюртмачи" ҳудудидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.

4.5. Бириктирилган йўналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

**5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ**

5.1. "Бажарувчи" томонидан ҚМЧ келишилган вақтда олинмаган тақдирда "Буюртмачи" (98)278-78-83 телефони орқали "Бажарувчи"нинг вакилини далолатнома тузиш учун чақиртириши керак.

Агар "Бажарувчи" ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 72 соат ичида ҚМЧ олиб чиқиб кетилмаса, "Буюртмачи" жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос ҳисобланади.

5.2. "Бажарувчи" ўз вақтида ҚМЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида ҳар бир кун учун олиб чиқиб кетилмаган ҚМЧ ҳажми қийматидан 0,5% миқдорда, лекин бажарилмаган иш суммасининг 50% дан ошмаган миқдорда "Буюртмачи"га пеня тўлайди.

5.3. "Буюртмачи" шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорда, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ошмаган миқдорда "Бажарувчи"га пеня тўлайди.

5.4. Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

#### 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар, келишмовчилик ва тортишувлар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган муаммо ва келишмовчиликлар, томонлар томонидан музокаралар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунчиликга биноан суд орқали ҳал этилади.

6.2. Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган ҚМЧнинг ҳажми "Буюртмачи"нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки "Буюртмачи" "Бажарувчи"нинг юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштиришдан бош тортса, "Бажарувчи" жамоатчилик вакили иштирокида долатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлиқ миқдорда бажарилди деб ҳисобланишига ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишига асос бўлади.

#### 7. ФОРС-МАЖОР.

7.1. Шартнома тузилгандан сўнг юзага келиши мумкин бўлган сув тошқини, zilzila ва бошқа табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар каби сабаблар туфайли ушбу шарнома бўйича ҳар қандай мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаган ҳолларда томонлардан бирортаси жавобгарликка тортилмайди (корхонанинг тугатилиши, раҳбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий кийинчиликлар кабилар, форс-мажор ҳолатига кирмайди).

#### 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. "Бажарувчи" хом-ашё, ёқилғимойлаш маҳсулотлари ва энг кам ойлик иш хақи миқдори ўзгариши муносабати билан белгиланган тартибда бир томонлама хизмат нархларини ўзгартиришга ҳақлидир ва у "Буюртмачи"ни бу тўғрида ёзма равишда огоҳлантиради.

8.2. Томонларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарган тақдирда ҳамда ҚМЧ ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда, бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

#### 9. ШАРТНОМАНИНГ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартноманинг муддати "18" 01 2022 йилдан "31" 12 2022 йилгача белгиланади. Бюджет ташкилотлари билан тузилган шартномалар Ҳазначилик бўлинмасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва амал қилиш муддати "31" 12 2022 йилгача белгиланади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин тўхтатмоқчи бўлган томон, иккинчи томонни бу ҳақида бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради, акс ҳолда шартнома шартлари ўз кучини йўқотмаган ҳисобланади.

9.3. Томонлар шартнома муддати тугагандан сўнг, ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор қилинганга қадар ўз кучини йўқотмаган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олучилар билан тузилган шартномалар бундан мустасно.

9.4. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси "Буюртмачи"да, иккинчи нусхаси "Бажарувчи"да сақланади.

#### 10. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОҲЛАРИ:

##### «БАЖАРУВЧИ»

Навоий шаҳар "Бережливость" МЧЖ

Юридик манзилгоҳи: Навоий шаҳар  
"Тинчлик" кўрғони

Тел: +998-78-770-38-33

Х/р: 20208000900306208001

Банк номи: ЎзСаноатқурилишбанк  
Навоий филиали

Банк коди (МФО): 00207

ИНН: 01151915

ОҚУ: 038321

Раҳбар: А.Бердиев



Изоҳ:

##### «БУЮРТМАЧИ»

Вилоят ҳариси ва мадакияти давлат

Юридик манзилгоҳи: Каролик аймақи

Садоқат кўчаси 18-йўли

Тел: +998 79 53 2-10 51

Х/р: 1000886012234708220046001

Банк номи: М.Б. Б. Х.Ж. М. Раҳимов

Банк коди (МФО): 00014 ИНН: 003837113

ШХР: 400121860122347082200006001

Қадам Вилоят Дўшанба Ҳазначилик

Ҳазначилик бўлинмасининг номи

ХХТҮТ: 95131

Раҳбар: Х. Ҳ. Раҳимов

(ИМЗО) (Ф.И.Ш)

М.У.

